

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.14:658.114.32

ХУДОЙҚУЛОВ ХУРШИД ХУРРАМОВИЧ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ КАПИТАЛ ҚИЙМАТИНИ
БАҲОЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация

Илмий маслаҳатчи: иқтисод фанлари
доктори, доцент Ш.И. Мустафакулов

Тошкент – 2021

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
-------------------	----------

I-БОБ. I-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ КАПИТАЛ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	18
1.1. Акциядорлик жамиятларининг капитал қиймати баҳолашнинг илмий-назарий жиҳатлари.....	18
1.2. Акциядорлик жамиятларининг капитал қиймати баҳолаш бўйича мавжуд методологиялар ва уларнинг қиёсий таҳлиллари.....	36
1.3. Акциядорлик жамиятларининг капитал қиймати баҳолашда чегирмавий пул оқимлари усулидан фойдаланишнинг илмий-услубий аҳамияти.....	52
Биринчи боб бўйича илмий хулосалар.....	67

II-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛЛАРИ.....	71
2.1. Ривожланган мамлакатлар акциядорлик жамиятлари капитали қиймати баҳолашнинг прогрессив усуллари.....	71
2.2. Тараққий этган мамлакатларда капитал қиймати баҳолашда чегирмавий пул оқимлари усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	89
2.3. COVID-19 коронавирус пандемияси шароитида тараққий этган мамлакатлар компаниялари капиталлари қиймати баҳолашнинг методик муаммолари.....	107
Иккинчи боб бўйича илмий хулосалар.....	122

III-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МАВЖУД ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	127
3.1. Мультипликатор коэффициентлар орқали Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари капитал қиймати баҳолашнинг амалдаги ҳолати таҳлил.....	127
3.2. Акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини прогноз қилиш орқали капитал қиймати баҳолаш амалиёти.....	153
3.3. Акциядорлик жамиятларининг қарз капитали қиймати баҳолашнинг замонавий усул ва воситалари таҳлили.....	172
Учинчи боб бўйича илмий хулосалар.....	187

IV-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ КАПИТАЛ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНияТЛАРИ.....	192
4.1. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари капиталлари қиймати баҳолашнинг методологияси билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	192
4.2. Акциядорлик жамиятларининг капитал қиймати таъсир этувчи омиллар ва уларни эконометрик моделлаштириш.....	208
4.3. Чегирмавий пул оқимлари орқали акциядорлик жамиятларининг капитал қиймати баҳолаш усулини татбиқ этиш истикболлари.....	219
Тўртинчи боб бўйича илмий хулосалар.....	230
ХУЛОСА.....	235
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	239
ИЛОВАЛАР.....	253

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда кейинги йилларда рўй бераётган COVID-19 пандемияси оқибатида йирик компанияларнинг инвестиция оқимларида аҳамиятли ўзгаришлар кузатилиб, ўз навбатида акциядорлик жамиятга капитал қийматининг барқарорлигига ўзининг турли йўналишлардаги таъсирини кўрсатмоқда. Натижада ҳозирги шароитда “компаниялар капитал қийматини баҳолашнинг замонавий усуллари жорий қилиш, молиявий активларни баҳолаш модели ҳамда капиталнинг ўртача тортилган қиймати ва унинг оқилона таркибини аниқлаш тақозо этилмоқда”¹. Компания молиявий менежерлари томонидан самарали инвестицион қарорларни қабул қилиш, турли инвесторларнинг компаниялар инвестиция салоҳиятини аниқ баҳолаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишлари капитал ва бизнес қийматларнинг, энг аввало, компания капитал қийматининг тўғри баҳоланишига боғлиқ. Хусусан, “2020 йилда АҚШдаги компаниялар капитал қийматидан кутилаётган даромад 4,34 фоизни, Европада 4,56, Японияда 4,25, Хитойда 4,69, Ҳиндистонда 6,23 фоизни ташкил этган”². Бу эса, ўз навбатида, мазкур мамлакатлардаги компанияларнинг бизнес қийматини, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва инвестиция салоҳияти даражаларини аниқлашда компания капитали қийматини баҳолашнинг оптимал усулидан фойдаланиш зарурлигини намоён этади.

Ҳозирда жаҳоннинг йирик компанияларида капитални жалб қилиш, йирик лойиҳалар бўйича инвестицион қарорлар қабул қилишда капитал қийматини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, акциядорлик жамиятлари капитали қийматини баҳолашнинг замонавий усуллари жорий қилиш, капиталга таъсир қилувчи тизимли ва тизимсиз рисклар асосида капиталнинг левереж қийматини тўғри аниқлаш, хусусий ва қарз капиталини инобатга олган ҳолда капиталнинг ўртача тортилган

¹ <https://home.kpmg/de/en/home/insights/2020/10/cost-of-capital-study-2020.html>

² <http://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/>